# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 24 APREL, PAYSHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№54 (6.579). Sotuvda erkin narxda


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 апрел куни Оқсаройда Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг Ишонч ёрлиғи топширди.***

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон-Дания алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Икки мамлакат сиёсий жабҳада фаол ҳамкорлик қилмоқда, халқаро муаммоларга муносабатларида ҳам яқинлик ва ўхшашлик жиҳатлар талайгина. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон ва Дания мутахассислари Афғонистондаги тикланиш, Ироқдаги янгиланиш ишларида ҳамкорликда иштирок этиши мумкин.

Элчи Дания ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, ишбилармонларнинг мулоқотини фаоллаштириш истагида эканлигини, ўзи эса бундай хайрли мақсадлар амалга ошиши учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Президент Ислом Каримов шу куни Белгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мерньедан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Белгиялик бу дипломат Ўзбекистонда илгари ҳам бўлган, мамлакатимиздаги шарт-шароит, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, иқтисодий салоҳиятимиздан яхши хабардор.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон-Белгия муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўплигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Белгия элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгилаганини ва Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф деб билишини айтди.

Ислом Каримов элчига муваффақият тилади.

***

Ўзбекистон Президентига Австралиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бирбиридан анча олисда жойлашганига қарамай, Ўзбекистон ва Австралияда ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Жумладан, Австралия томони Ўзбекистондаги фойдали қазилмалар конларини топиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдирмоқда. Умуман, Австралия сармоясини жалб этиш мумкин бўлган соҳалар талайгина.

Президент Ислом Каримовнинг элчи билан суҳбатида Ироқ ва Афғонистонда амалга ошириладиган тикланиш лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш имкониятлари ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Австралия элчиси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

**(ЎзА)**



**Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонаси иш бошлаганига бир йил бўлди. Ўтган қисқа вақт ичида бу ерда етти минг тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланди. 4 минг 211 тонна ип-калава, 973 тонна трикотаж экспорт қилинди.**

**СУРАТДА: корхона оператори Зиппат Какупашвили.**

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН-РУМИНИЯ:
## ҲАМФИКРЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.***

22 апрел куни «Дўрмон» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Руминия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Руминиянинг қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарияти Руминияда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб боради. Руминиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди.

Ўз навбатида, Руминия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар доирасида халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган Ироқ масаласида ҳам томонларнинг қарашлари бир хил. Ўзбекистон ва Руминия раҳбарлари ушбу мамлакатдаги можаро тезроқ ҳал этилишининг тарафдори эканликларини таъкидлар экан, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг Ироқни қуролсизлантириш йўлидаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилиб, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолатидан қониқиб бўлмаслигини таъкидлади. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, айни пайтда ўзаро савдо, сармоя оқимининг ҳажми нисбатан паст даражага тушиб қолган. Шу муносабат билан, Президент Ислом Каримов Руминия раҳбарининг ташрифини ўзаро сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга интилиш белгиси сифатида баҳолар экан, мамлакатларимизда ҳамкорликнинг ишга солинмаган имкониятлари захираси катта эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Руминия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Руминияга кимё, нефт кимёси, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар экспорт қилиши, у ердан эса мебелсозликнинг, мармар ва гранитга ишлов бериш саноатининг сифатли, синалган ва айни вақтда нисбатан арзон технологиялари, чарм маҳсулотлар, пойафзал келтириши мумкинлигини айтди. Булар қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқлар бўйича қўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳаларда биргаликда қатнашиш, сайёҳлик соҳасидаги ва банклараро ҳамкорликни ривожлантириш таклифлари илгари сурилди. Масалан, Ўзбекистон ва Руминия банклари ўртасида вакиллик муносабатлари ўрнатилган, лекин амалда жуда кам операция бажарилади.

Ислом Каримов транспорт коммуникацияси масалаларига доим алоҳида эътибор билан қараб келади. Зеро, бу соҳа савдо-иқтисодий алоқаларга кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Руминия мисолида Констанца бандаргоҳи бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон товарларини Европа мамлакатларига етказиш ва у ердан маҳсулот келтиришнинг энг яқин йўли шу ердан ўтади. Лекин, очиқ айтганда, тарифлар мувофиқлаштирилмагани боис ундан фойдаланишда яқин ҳамкорлик қилиняпти, деб бўлмайди. Ислом Каримовнинг айтишича, Констанцада 1 тонна пахтани юклаш, тушириш, сақлаш ва ташиш хизмати 117 АҚШ долларига тенг. Украинанинг Ильичёвск бандаргоҳида эса айни шундай хизмат учун 72 доллар тўланади. Шу муносабат билан Президентлар Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ҳамда савдо, молия, транспорт соҳаси муассасаларига бу масалани имкон қадар тез ҳал қилиш топшириғини берди.

Иқтисодий мавзуда сўз кетганда, Ўзбекистон ва Руминияни яна бир муҳим жиҳат бир-бирига яқинлаштиришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг аввалги мажлиси Бухарестда ўтган эди. Бу йил анжуманга Тошкент мезбонлик қилади. Ўзбекистон делегацияси Бухарест анжуманида фаол қатнашган, Руминия ҳукумати эса галдаги мажлис Тошкентда ўтказилишини ёқлаган эди. Икки мамлакат бундай тадбирга ҳозирлик кўриш борасида биргаликда тажриба орттирди. Руминия томони ЕТТБнинг бу йилги мажлисига ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларидан нуфузли делегация жўнатишини маълум қилди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир» маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши, 2003 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

***Мажлисни Бош вазир Ў.Султонов бошқарди.***

Мажлисда ўтган чоракда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2,2 фоиз ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 12 фоиз ошгани таъкидланди. Иқтисодий ўсиш таъминланди, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси белгиланган 2,7 фоиз ўрнига 1,7 фоиз бўлди.

Иқтисодиётда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани самараси ўлароқ, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти тобора ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ташқи савдодаги ижобий сальдо 270 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг 88 лойиҳаси бўйича маҳаллий хомашё негизида буюм ва материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мазкур чоракда аввал қабул қилинган ижтимоий дастурларни изчил бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. «Обод маҳалла йили» дастури ҳамда фуқароларнинг ҳаёт шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ ислоҳотлар барча соҳаларда ҳам самарали бормоқда, деб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида қурилиш соҳасидаги қолоқликни танқид қилган эди. Шунга қарамай, ҳали ҳам соҳада кўплаб камчиликлар мавжуд. Масалан, кўпгина тендерлар хўжакўрсинга ўтказилмоқда. Иншоотларнинг қурилиш ва лойиҳа қийматлари амалдаги баҳосидан анча ортиб кетмоқда. Ўтган йили қурилиши тугалланиши керак бўлган 34 академик лицей ва коллеж ҳали ҳам фойдаланишга топширилмади.

Сўнгги вақтда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш борасида бир неча ҳужжат қабул қилинди. Аммо корхоналардаги кузатув кенгашларининг роли бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб беради, деб айтиш қийин.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Биринчи чоракда хусусийлаштириш жараёнидан 11 миллиард сўм тушум туширилишига эришилди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарасини янада оширади. Шу билан бирга, мажлисда алоҳида таъкидланганидек, хусусийлаштириш жараёнида объективлик таъминланиши зарур.

Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Ўтган чоракда бу тармоқдаги ўсиш 2 фоизни ташкил этган. Бироқ бу талаб даражасида эмас. Шу боис истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилишни тезлаштириш талаб этилади. Бунинг учун етмишдан ортиқ корхонани қайта жиҳозлаш зарур. Зеро, бу айни кунда долзарб бўлиб турган масала - бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда ички бозоримизни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу борада Давлат божхона қўмитаси фаолиятида фаоллашув кузатилаётганини айтиб ўтиш зарур. Қўмита бевосита аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтирди. Товарларнинг мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилишига қарши курашнинг кучаяётгани натижасида сифатсиз маҳсулотлар экспансияси сусайди. Аммо қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина.

Президентимиз мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим тармоғи бўлган ўрта ва кичик бизнесни, фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу борада амалга оширилаётган ишларда муайян силжиш юз берганлигини таъкидламоқ керак. Ўтган чоракда юртимизда паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида ўн мингга яқин фермер хўжалиги ташкил этилди.

Бироқ фермер хўжаликларига ҳамма жойда бир хил эътибор берилмаяпти. Тузилган шартномалар бўйича фермерлар олдидаги мажбуриятларни бажаришда оқсоқликлар мавжуд. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимида бундай салбий ҳолатни кўплаб учратиш мумкин. Бунинг устига, фермерлар билан ер шароитини ҳисобга олмаган ҳолда шартнома тузиш ҳоллари мавжуд.

Мажлисда кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, Э.Ғаниев, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, адлия вазири А.Полвонзода, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергенов, Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.***

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентнинг ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Муҳитдинованинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган масалаларни муҳокама этди ҳамда уларни ўн биринчи сессия иши кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмуродов ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилди.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек Олий Мажлис ўн биринчи сессиясининг Котибияти таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлари блоклари раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 24 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 апрель куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## "ЮЛДУЗ" НОМИГА МУНОСИБ БЎЛАДИМИ?

ТАҲЛИЛ

***Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда енгил саноат тизимига қарашли "Юлдуз" ва "Малика" ишлаб чиқариш корхоналаридаги хўжасизлик, мулкни талон-торож қилиш ва ўзлаштириш, яширинча ҳисоботга кирмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда нархларни сунъий равишда ошириш билан боғлиқ бўлган кўпгина салбий ҳолатларни танқид қилган эдилар.***

Мана, орадан икки ой ўтди. Оёғи ердан узилган бир қатор мансабдор шахсларга ҳам қилмишига яраша тегишли чоралар кўрилди. Хўш, энди мазкур корхоналарда аҳвол қандай? Дастлаб, "Юлдуз" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолиятига тўхталсак.

-Корхонанинг аввалги шуҳратини қайта тиклаш учун туну кун меҳнат қилишга тўғри келаяпти, - дейди корхонанинг янги раҳбари Шуҳрат Акрамов. – 2002 йил якунларига бағишланган мажлисда Юртбошимиз томонидан айтилган мавжуд камчиликларни тугатиш, келгусида дунё танийдиган улкан корхонага айлантириш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик.

**(Давоми 2-бетда)**

### ҚАРОР ВА ИЖРО

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЭВРИЛИШ ЭПКИНЛАРИ

***Қорақалпоғистон сўнгги йилларда бир қатор қийинчиликларни бошидан кечирди. Кучли сув танқислиги туфайли асосий экин ҳисобланган – пахта, ғалла, шоличилик тармоқларида оғир таназзуллар юз берди.***

Ўзбекистон ҳукумати минтақада аҳволни яхшилаш бўйича зарур амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 1 августда "2003-2007 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарор ривожлантирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилинганлиги фикримизнинг исботидир.

Шукрки, қийинчиликлар бирмунча камайди. Аввало Яратганнинг инояти ва кўрилган кескин чоралар туфайли ўтган йилдан бошлаб қуриган сув ўзанларида оби ҳаёт оқа бошлади, қақраган ерларга жон кирди, қуриган дов-дарахтлар остидан қайта бўй чўзган навдалар япроқ ёзди.

**(Давоми 3-бетда)**

### ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

## ҚОНУНБУЗАР "ТАБИАТШУНОС"ЛАР

***Бир дарахтни кессанг, ўрнига ўнта кўчат эк, деган гап бор халқимизда. Чунки ниҳолни экиб, катта дарахт ҳолига келтириш учун қанча меҳнат, қанча эътибор керак бўлади.***

Дам олиш жойларида, оромгоҳларда экилган дарахтлар биринчи навбатда ўша масканнинг ҳуснига ҳусн қўшади, ҳавонинг тоза бўлишига хизмат қилади, қолаверса, кишининг баҳри дилини очади. Саратонда соя-салқин боғларда дам олиш кишига қанчалик ҳузур бағишлайди.

Лекин шундай инсонлар ҳам борки, улар табиат гўзалликларидан баҳра олиш ўрнига ўз шахсий манфаатлари йўлида унга завол етказишдан ҳам тойишмайди. Бунга яқинда ўтказилган текширишлар чоғида яна бир карра амин бўлдик.

Асли ўзлари ўз ҳудудларидаги дарахтларни қўриқлашга масъул бўлган Мусурмонқул Бобоқулов, Иброҳим Шералиев, Муҳиддин Мамаюсупов, Саттор Омонқулов, Муртазоқул Жўраевлар юқоридаги каби кимсалар сирасига кирар экан.

**(Давоми 2-бетда)**

### ТАҚҚОС

## ГАП ОШДАМИ Ё МОШДА?

***-Юртбошимиз Ислом Каримов 2001 йилнинг ёзида ўқув юртимизга ташриф буюрган эди, - дейди Қашқадарё вилоятидаги Қамаши педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Нормўмин Абиров.***

– Президент муаллимлар ва талабалар билан қизғин суҳбатлашдилар ҳамда бу ерда яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан мамнун бўлдилар.

Коллеж аудиторияларини кўздан кечирар эканмиз, бу ерда ёшларнинг билим олиши учун барча имкониятлар яратилганига амин бўлдик. Кенг ва ёруғ хоналарда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг мамнунлигини юзида қувонч балқиб турганлигидан ҳам илғаш мумкин. "Зингер" тикув машиналарини ишлатаётган эпчил қизларнинг чаққон ҳаракатларини айтмайсизми? Берган буюртмангиз бўйича исталган кўринишдаги либосларни бинойидай тикиб ташлайди.

**(Давоми 4-бетда)**

## АЛЛОМА ИБРАТИ

ЭЪТИҚОД

***Илм ўрганиш, унинг машаққати ҳақида сўз кетаркан, бугунги кун ёшларига ибрат, эътиқод нишонаси сифатида Аз-Замахшарийни келтирмоқ лозим.***

Зеро, Замахшарий ғоят оғир замонда яшаган, камбағал оилада туғилган, бунинг устига жисмонан ногирон бўлсада, илм йўлида риёзат чекиб, кўзлаган мақсадига эриша олган. Ислом оламида "Жоруллоҳ", яъни "Аллоҳнинг қўшниси" деган фахрий унвон олишга сазовор ҳам бўлган.

Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган Абул Қосил Маҳмуд ибн Муҳаммад (1075-1144) болалигидан нимжон ва касалманд бўлиб ўсган. Ўғлининг оғир ишларга кучи етмаслигини билган отаси уни тикувчига шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо илмга бўлган эътиқоди боис, Маҳмуд отасининг розилиги билан Бухорои Шарифга йўл олади. Бахтга қарши, йўлда карвондаги туя қоқилиб йиқилади. Туя устида кетаётган Маҳмуднинг оёғи синади. Ҳавонинг қаттиқ совуқлиги боис, жароҳатни даволашнинг иложи бўлмайди. Маҳмуднинг бир оёғини тўпиғидан кесиб ташлайдилар. Шу тарзда у бир умр ёғоч оёқда юрадиган бўлиб қолади.

**(Давоми 4-бетда)**

### ҲИКМАТ

*Молу ҳол*
*йўлингга*
*экилган тикан,*
*Ундан*
*қутулиб тур*
*осонлик билан.*
*Этакка*
*ёпишиб*
*йиғилиб қолса,*
*Териб*
*ташламоқлик*
*кўп заҳмат экан.*

**Абдуқодир Бедил.**


## КЕЛГУСИ СОНДА:

ОВУЛНИНГ ЭГАРСОЗ УСТАСИ

ИШСИЗЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИМИ?

ҚОНГА БОТГАН ҚЎЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН-РУМИНИЯ:

# ҲАМФИКРЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Боши 1-бетда)

Ион Илиеску Ўзбекистон Президентининг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини айтар экан, икки мамлакат қарийб бир вақтда бир хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга тўқнаш келгани, деярли бир хил жараёнларни бошдан кечирганини таъкидлади. Демак, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик орқали тараққиётга кўмаклашиш ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан, Румыния раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Жанубий Европанинг марказий давлати бўлмиш Руминияда элчихона очса, бу алоқалар кенгайиши учун янги имкониятлар яратар эди. Бевосита иқтисодий ҳамкорликка келганда, ишлаб чиқариш кооперацияси ҳозирги куннинг долзарб талабларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариб, фақат миллий эҳтиёжни қондириш билан чекланмай, бошқа мамлакатларга сотиш икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди.

Руминия Президенти ҳукуматлараро кенгашнинг галдаги мажлисини Бухарестда ўтказиш таклифини айтди. Унда давлатларимиз раҳбарлари мулоқотида қайд этилган ҳар бир масала мутахассислар томонидан бафуржа кўриб чиқилади ва ўз ечимини топади. Шунингдек, илм-фан ва таълим соҳалари вакилларининг алоқаларини жонлантириш, жумладан, олий ўқув юртларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш, муайян соҳа олимларининг қўшма академик ва технологик тадқиқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ион Илиеску Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ва Руминия халқлари бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга эканлиги, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллар экан, айниқса, маданий сайёҳликка эътибор кучайтириш фойдали бўлишини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ион Илиеску Ўзбекистон ва Руминия Президентларининг Қўшма баёнотига имзо чекди. Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳамда Дипломатик ва хизмат паспортлари бўлган фуқароларнинг визасиз қатнови тўғрисидаги битимларни имзолади.

Шундан кейин ўтган матбуот анжуманида ҳозиргача икки томонлама муносабатлар 12 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келингани, яна кўплаб ҳужжатлар тайёрланиш жараёнида ёки маъқулланиш арафасида эканлиги таъкидланди.

Ислом Каримов Руминияни Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Ион Илиеску мулоқотлар сермазмун ўтгани ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Ислом Каримовни Руминияга таклиф этди.

«Дўрмон»даги тадбирлардан кейин Руминия раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Олий мажлисга ташриф буюрди. Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи Раиси Эркин Халилов билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Руминиялик олий мартабали меҳмон пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечириб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шу билан Руминия Президенти ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***САМАРҚАНД, 23 апрель (ЎзА. Акбар Қаршиев). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия Президенти Ион Илиеску Самарқандга ташриф буюрди.***

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев кутиб олди.

Руминиялик меҳмон қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари -Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир мақбараси ҳамда Сиёб бозорини томоша қилди.

## РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

- Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда илк бор бўлишим,- деди Руминия Президенти журналистларга берган интервьюсида. - Бу кўҳна шаҳардаги обидалар менда унутилмас таассурот уйғотди. Уларнинг ҳар бири юртингизнинг буюк тарихи, аждодларингизнинг улкан маданий ва илмий салоҳиятига қўйилган абадий ҳайкалдир.

Руминия давлат делегациясининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Президент Ислом Каримов билан ўтказилган музокаралар ва имзоланган янги ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ион Илиеску шу куни Самарқанддан жўнаб кетди.

# БЕЛИ ОҒРИМАГАННИНГ НОН ЕЙИШИНИ КЎР

***Кейинги йилларда чекка туманларда ҳам замонавий коллежлар, ўқув юртлари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиб ишга туширилаяпти. Ҳукуматимиз ана шу соҳага катта эътибор бериб, бюджетдан етарли миқдорда маблағ ажратмоқда. Хўш, ажратилган маблағлардан қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар қандай фойдаланишмоқда?***

-Айрим қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари "бели оғримаганнинг нон ейишини кўр" қабилида иш тутиб, давлат маблағини талон-торож қилишмоқда, - дейди Сирдарё вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори Мухтор Бобоёров. – Мисол учун, Сайхунобод туман коллежи биноси қурилиши бош пудратчи 2-кўчма вилоят агроқурилиш тресли томонидан олиб борилган, ушбу трестга қарашли 24-кўчма механизациялашган бўлинма субпудратчи сифатида қатнашган. Ушбу коллеж 2002 йилнинг сентябр ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлса-да, 24-кўчма механизациялашган бўлинма мансабдор шахслари, (раҳбари Х.Одилов) томонидан суиистеъмолчиликка йўл қўйилиб, қурилиш материаллари талон-торож қилинган. Натижада коллеж қурилиши ҳали ҳам "туя гўшти еб ётибди".

**ТААССУФ**

Ҳозир қурилиш материаллари тақчиллиги ҳаммамизга маълум. Лекин корхонанинг "хотамтой" раҳбари Х.Одилов 2 йил давомида 1.231.337 сўмлик ғишт, 3.431.442 сўмлик арматура, 444429 сўмлик қоришма, 456.477 сўмлик бетон, 211.988 сўмлик электродларни – жами 5.755.671 сўм қийматдаги қурилиш материалларини ошиқча чиқим қилиб юборади.

Бундан ташқари, масъул шахслар Исмоил Бобоев ҳисобидаги қурилиш материалларида 325802 сўмлик, Мамат Каримов 1467810 сўмлик камомадга йўл қўйганлиги ҳам аниқланган.

Табиийки, ушбу ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда яна битта мисол келтирайлик. Сирдарё вилоят мукаммал қурилиш бошқармаси билан "Мидам" ишлаб чиқариш савдо тижорат фирмаси ўртасида 2001 йил 22 июн куни Мирзаобод тумани Беруний қишлоқ врачлик пункти қурилишини амалга ошириш учун шартнома тузилган. Барча қурилиш ишларини вақтида, сифатли бажаришни бўйнига олган "Мидам" фирмаси шартномага кўра бош пудратчи бўлиб, Беруний ҚВП қурилиши учун бюджет ҳисобидан ажратилган 29419,8 минг сўм маблағни олган.

Хўш, "Мидам" ваъдага вафо қилдими? Афсуски, йўқ. Шу маблағлардан 18555,8 минг сўмига қурилиш ишларини бажарган ва 10864 минг сўмлик ишларни бажармасдан бюджет маблағларининг талон-торож қилинишига йўл қўйган. Қурилиш эса ўлда-жўлда қолиб кетаверган. Оқибатда ушбу қурилишни охирига етказиш учун тендер баҳоси 27901 минг сўм белгиланган бўлса-да, амалда 32228 минг сўм ёки 4327 минг сўм бюджет маблағи ортиқча сарфланди ҳамда давлат манфаатларига зарар етказилди. Шу боис "Мидам" корхонаси раҳбари Фурқат Раҳимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Лекин шу ишларни кўриб, билиб турган буюртмачи ва назорат қилиш органлари қаёққа қарашди экан? Мутасадди ташкилот раҳбарлари-чи? Наҳотки давлатники - ҳеч кимники, деб ўйлашса? Тадбиркорлар, саховатли инсонлар мактабларга, шифохоналарга, ўқув юртларига баҳоли қудрат ёрдам бераётган бир пайтда вақфдек муқаддас ўқув юртининг ғиштини уйимизга ташиб кетсак, шифохона қурилиши учун берилган маблағларни талон-торож қилсак, биз ким деган одам бўламиз. Наҳотки бу шахслар нафсини, виждонини ютиб юборган бўлса?!

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## "ЎРДАК ШЎРВА"

***Ҳодибой ўзи олиб келган бир бутун ғоз гўштини олди-да, унинг ёнига картошка, сабзи, пиёз, нўхат билан пластмасса товоқни сувга тўлғазди ва газни устига қўйди. Ўзи эса телевизор ёнига чўккалади. Шу ўтиришда думалаб қолди.***

Бир вақт хотини ишдан қайтди. Ҳодибой унга:

-Онаси, бугун овқат пишириш менинг чекимга тушди, - дея мақтанди.

Меҳрибон аёл эрининг бу ишидан ажабланди, хурсанд бўлиб ошхонага кириб қараса...

Пластмасса идиш аллақачон эриб кетган. Гўшт оловда жизғанак бўлганди.

...Аёл индамади. Қозонга бошқа ғоз гўшти солиб овқат тайёрлади. Дастурхонга сузиб келтирди. Ҳодибой шўрвани ичиб кўраркан, хотинига мақтанди.

-Онаси, зап шўрва бўлибдими-а? Овқат пиширишда менга етолмайсан, ҳов! – деди.

Аёл эрининг юзига тик қараёлмай оҳиста оҳангда:

-Адаси, сиздан бир ўтинчим бор, - деди.

Ҳодибой чордона қуриб, хотинига мулойим тикилди.

-Ажойиб, беғараз инсонсизу, лекин баъзи хислатларингиз илойим "кўпайсин"да! – деди.

Хотиннинг бу "мақтови" Ҳодибойни ҳушёр тортирди. У уйқудан уйғонгандай бўлиб қолди.

Бизнинг Ҳодибой "Ўрдак шўрва" ичгандан бери "Хурмача қилиқ"ларидан воз кечди. Тотувликда хайру барака бўлакча бўлади-да.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

## ЙЎҚОЛГАН "КЎЗ"

***Қишлоқдан келган икки талаба йигит бир хонада яшаб, ўқишга қатнашарди. Улардан бири чап кўзидан ажралган, ўрнига шиша кўз қўйдириб олганди. Ётаётганда ясама кўзини стакандаги сувга солиб, столга қўйиб қўяр, эрталаб ўқишга кетаётганда яна жойига киритиб оларди.***

Шеригининг бири ичкиликка берилди. Ҳар куни кўча-кўйда изғиб, хонага кеч қайтадиган одат чиқарди. Бир куни ғирт маст бўлиб алламаҳалда келди. Азбаройи чанқаб кетгандан чироқни ёқишга ҳам сабри чидамай, стол устини пайпаслаб, чойнакни қидира бошлади. Қараса, чойнак бўм-бўш. Ёнидаги стаканда турган сувда нима борлиги эсидан чиқиб, даст кўтариб ичиб юборди.

Эрталаб қидираверив ҳамма ёқни остун-устун қилиб ташлаган ўртоғи туртиб уйғотибди. Боши тошдай оғир, карахт, аъзойи баданини тамом ланжлик чулғаб олган шериги базўр ўрнидан турди.

-Мабодо, кўзимни кўрмадингми? – хавотирланиб сўради ўртоғи.

-А?

-Кўзимни кўрмадингми, деяпман.

-Йўқ, кўрмадим, ҳиқ.

-Намунча кеч қайтмасанг-а? Эшикни ҳам очиқ қолдирибсан. Наҳотки, бирон мушук-пушук... ундай десам...

Бечора мастликда стакандаги сувни ичиб юборганини ҳеч эслолмасмиш. Охири, оғриққа чидолмай шифохонага боришга мажбур бўлибди. Уни проктолог қабулига йўллашибди.

-Ҳозир текшириб кўрамиз. Хўш-ш... Қани, ўгирилинг. шимни туширинг. Ҳм... Энди, энгашинг, ана шундай.

Бирмаҳал, ҳеч кутилмаганда шифокорнинг қўлидаги мослама тарақлаб полга тушибди. Талаба сесканганча шимини кўтара солиб, ёнига ўгирилибди. Қараса, ранги қув ўчган отахон шифокор эшик олдига бориб, ёқасини тутамлаб, дағ-дағ қалтираб турганмиш. Ҳадеб кўкрагига "туф-туф" дермиш. Унинг ҳолатини кўрган талаба баттар қўрқиб кетибди.

-Ҳа, дўхтир, аҳволим оғирми? – деб сўрабди эсхонаси чиқиб.

-Ҳеч... ҳеч нарса тушунолмаяпман, - базўр жавоб қайтарибди шифокор. – Биласизми, мен шу соҳа мутахассисиман, фан номзодиман. Қирқ йилдан буён одамларнинг йўғон ичакларига қарайман. Аммо... менга қараб турган йўғон ичакни биринчи бор кўришим.

**А.САЛИМОВ**

## ҚАТИҚЛИ МАСТАВА

***"Хуш келибсиз" айтилгач, гулдор патнис кўтарган йигит кириб келди. Пойгакка чўккалаган уйбоши косалардаги маставани узатаркан, деди:***

***-Қани, меҳмонлар, баҳузур, олинсин, олинаверсин.***

Тўрдаги Алижон ака ўбдон чийланган қатиқдан ўзининг косасига бир қошиқ солди-да, ёнидаги муовинига тутди. У ҳам ўзига етадиган насибасини олиб, Валижонга узатди. Унинг таъби маълум эдики, қошиқ мастава билан қатиқ орасидаги масофага "қатнай" бошлагач, ҳазилвандлар санай кетишди:

-Бир, икки, тўрт, саккиз...

Косадаги оқликнинг юқи қолди, холос. Иштаҳа сақлаб ўтирганлардан бири "ола" деди, бошқа ҳафсаласи пир бўлган "шўрлик" эса "ҳе-е қатиқхўр", дея зарда қилди. "Қатиқхўр" ҳам мутлақо бўш келмади:

-Менга тирғилгунча бошқасини ола қол-да.

Бу ҳолни сўзсиз кузатиб ўтирган Алижон ака мийиғида кулди ва илмоқли савол ташлади:

-Бор-йўғи кўз ёшидан мўлроқ мастава эди-а?

-Валижон, зўр янгилик қилдингиз, ука.

-Шунақами? – илжайди у. – Айтинг-чи, хўжайин?

-Маставага қатиқ эмас, қатиққа мастава қўшиш мумкинлигига шу чоққача бирорта наманганликнинг ақли етган эмас...

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди.

**Рустамжон УММАТОВ**

## БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Пойтахтдаги бозор малакаларини ривожлантириш марказида «Молиявий ва савдо воситалари кичик ва ўрта бизнес субъектларига халқаро бозорларга чиқиш жараёнида ёрдам сифатида» мавзусида Тошкент, Самарқанд ва Бухорода ўтказилаётган семинарларнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 300 дан ортиқ тадбиркор субъекти ва бозор инфратузилмаси ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.***

Италиянинг Ташқи савдо институти /ICE/ ҳамда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кўмагида ташкил этилган амалий семинарлар Марказий Осиё республикаларининг давлат ва хусусий корхоналари менежерлари учун 2001 йилнинг ноябр ойида бошланган халқаро таълим дастури бўйича лойиҳа доирасида олиб борилди.

Семинарни Mediotrade компаниясининг маслаҳатчиси профессор Сержио Дзериали олиб борди, у Италия ва ундан ташқарида ҳар томонлама бой иш тажрибасига эга. Семинар давомида мамлакатимизнинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари Италия саноат туманларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги роли билан атрофлича танишди ҳамда италиялик тадбиркорларнинг халқаро бозорларга чиқиш борасидаги иш тажрибасини ўрганди.

Саноат туманларининг пайдо бўлиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар Италиянинг алоҳида худудларида ташкил топган ва ҳар бири бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Масалан, Италия Статистика миллий институти маълумотларига кўра, 200 та шундай саноат тумани бор. Иқтисодий туманларнинг ушбу мамлакат халқ хўжалигидаги муҳим ўрнини қуйидаги маълумотлар яққол акс эттиради: мамлакат бўйича умумий иш билан бандликдаги салмоғи 42 фоиз бўлиб, саноат туманлари мамлакатдаги барча ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларнинг 60 фоизи учун жавобгардир.

Италия корхоналарини халқаро бозорларга чиқиш жараёнида молиявий қўллаш мақсадида 1991 йилда Ривожланиш ва мамлакат компанияларини чет эл бозорларига чиқариш молия институти /SIMEST/ ташкил этилди.

**(ЎзА)**

# "ЮЛДУЗ" НОМИГА МУНОСИБ БЎЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Биринчи галда жамиятимизга машҳур чет эл фирмаларининг сармояларини олиб кириш ниятидамиз. Жумладан, корхонамиз қошида "Ўзбекистон – Панама – Чехия" қўшма корхонасини ташкил этиш мақсадида лойиҳалар тайёрланмоқда. Хорижлик ҳамкорларимиз 500 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш ниятида. Бу маблағга энг замонавий тикув дастгоҳлари келтирилади.

Демакки, қўшимча ишчи ўринлари ҳам очилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70 фоизи четга экспорт қилинади. Бунинг учун корхонада етарли даражада бино ҳам, ишчи кучи ҳам бор. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда режа кетидан эмас, замон талабларидан келиб чиқиб, сифатли, кўркам ва арзон бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши керак. Хабарингиз бор, аввалги йилларда ишлаб чиқарилган костюм-шимлар нархи 50 минг сўмгача бўлиб, сифатсиз эди. Бу эса харидорларга маъқул тушмади. Шу боис "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси қошидаги тижорат маркази билан ҳамкорликда Россия, Болтиқбўйи давлатларидаги корхоналар билан алоқа ўрнатдик. Бир метр матони икки ярим мингдан 4 минг сўмгача бўлган нархларда сотиб олишни йўлга қўйдик. Шунингдек, бозор ва харидор талабини ҳам ўрганяпмиз. Шу мақсадда "Чилонзор", "Чорсу" буюм бозорларида 4 та дўкон очдик. Бундан ташқари, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ҳам 2 та дўкон фаолият кўрсатаяпти. Келгусида Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида ҳам очмоқчимиз.

Бугун "Юлдуз"да иш суръати юқори. Жамоа кейинги бир ойнинг ўзида Мудофаа вазирлигининг 314 миллион, солиқ идораларининг 14 миллион сўмлик буюртмаларини бажаришди. Бундан ташқари болалар, ўсмирлар ва катталар учун спорт буюмлари, костюм-шимлар тикиш йўлга қўйилган. Хорижникидан қолишмайдиган турфа маҳсулотларга талаб катта. Чунки нархи, сифати харидорларни қониқтираяпти.

Корхона жамоасининг дастлабки одимларига кўз тегмасин, дегинг келади. Ишлаб чиқарилаётган барча трикотаж маҳсулотлари вилоятларда кўргазмаларга қўйилмоқда. Ана шундай кўргазмалардан бири "Баҳор – ёз" дея номланиб, 7-14 апрел кунлари Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бўлиб ўтди. Бундай тадбир республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилаяпти.

Дарҳақиқат, сифатли ва арзон моллар ерда қолмайди. Шу боис қарийб йигирма кун давомида 55 та савдо тармоқлари билан жами 1 миллиард 364 миллион сўмлик шартномалар тузилди. Шериклар топиш давом этаяпти. Асосийси, шартнома шартларини бажаришда. Албатта, корхонанинг кўзлаган режалари, инқироздан кейинги қадамлари ёмон эмас. Бироқ акциядорлар бир неча йилдирки, дивидендларни олмаган. Ушбу миқдор шу кунгача 22 миллион сўмни ташкил этади... Хуллас, "Юлдуз" ўз номига муносиб бўлдими, йўқми, буни вақт кўрсатади.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**







**Бугун "Фотон" ишлаб чиқариш корхонасининг рангли телевизорларини кўпчилик хонадонларда учратишимиз мумкин. Илгари "Нодира" номли оқ-қора телевизорлар ишлаб чиқарган мазкур корхона бугунга келиб "Soni" маркали рангли телевизорларни ҳам ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.**

**СУРАТЛАРДА: дастур созловчилари Анатолий Чертков ва Борис Ланин; Шавкат Газизов ҳамда Людмила Соловьевалар тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатиш тараддудида.**

Ш.АКРАМОВ олган суратлар.

**МУЛОҲАЗА**

***Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларда истиқомат қилиши ҳаммага маълум. Шу боис қишлоқ аҳолисининг маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарли шароитлар бўлиши шарт. Хўш, қишлоқларимизда кутубхоналар борми?***

## ТАДБИРКОР КУТУБХОНА ОЧСА...

Масалан, ўзим туғилиб ўсган Ғаллаорол туманидаги Кўчарбой қишлоғида илгари кутубхона бор эди. Мактаб ўқувчилари, ишчилар, сигир соғувчи қизлар, умуман қишлоқ аҳли китоб мутолаа қиларди. Ҳозир эса ўша кутубхона йўқ. Баъзан уйимизга борганда ўйлаб қоламан, наҳотки ўша кутубхонани қайтадан ташкил этишнинг иложи бўлмаса?

Тўғри, маҳалладошларим ҳар куни телевизор кўради, радио эшитади. Улар учун турли маънавий-маърифий кўрсатувлар, радио эшиттиришлар берилмоқда. Лекин ҳеч нарса китобнинг ўрнини боса олмайди-ку. Ахир, янги журнал ва газеталар, бадиий китоблар, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ёркин намуналари қишлоқларимизга қачон етиб боради? Одамлар ундан қачон баҳра олади? Истагимиз, қишлоқ аҳолиси ҳам бу адабиётларни ўқиса, ёшларимиз ўз фикрини эркин ифодалашга ўрганса...

Яна бир таклифим, "Обод маҳалла йили"да тадбиркор фермерларимиз ўз маҳаллаларида мўъжазгина кутубхона ташкил қилса, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Келажак авлодга ибратли маънавий пойдевор яратиб, эл олқишини олардилар.

**Илҳомжон ИБРОҲИМОВ,**
**ЎзМУ талабаси.**

# ҚОНУНБУЗАР "ТАБИАТШУНОС"ЛАР

(Боши 1-бетда)

Ўзлари қоровуллик ва раҳбарлик қилаётган дам олиш оромгоҳларида табиатга кўрк бағишлаб турган дарахтларни аёвсиз равишда қирқиб, мўмайгина пул эвазига кимларгадир сотиб юборишган.

Жумладан, "Ховос" ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳида қоровул бўлиб ишлаб келган М.Бобоқуловнинг бир нечта теракни ноқонуний равишда кесиб, сотиб юборганлиги ва ширкатлар уюшмасига 42619 сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланди. "Гулистон" болалар оромгоҳида ишловчи И.Шералиев ҳам саккизта теракни шу тарика "гум қилган".

"Хўжамушкент" ўрмон хўжалигидаги "Темирйўлчилар", "Бургутча" оромгоҳларида қоровул бўлиб ишловчи М.Мамаюсупов ҳамда С.Омоновлар ҳам ўзларига ишониб топширилган ҳудудда ўзлари ўғирлик қилдилар. Улар оромгоҳлар ҳуснини безаб, дам олувчиларни ёз чилласида қуёш тиғидан асраб келган дарахтларни кесиб, катта миқдордаги пулга сотиб юбордилар.

"Олимпия" болалар оромгоҳининг директори М.Жўраев ҳам ўз мансабидан "унумли" фойдаланиб, оромгоҳ ҳудудидаги беш дона теракни кесиб, шу қишлоқда яшовчи Ў.Қўшоқовга пуллаб юборган. Ў.Қўшоқов ҳам ўз навбатида ҳамқишлоғи Х.Мавлонбердиев билан тил бириктириб, теракларни Тожикистон Республикасининг Увоқ қишлоғига сотиш учун олиб кетаётганларида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Она табиатга нисбатан ғайриқонуний муносабатда бўлган бундай "теракфурушлар" Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг тегишли моддалари билан жазога тортилдилар. Ў.Қўшоқов, Х.Мавлонбердиевларга эса божхонага доир ҳужжатларни бузганлиги учун ҳамда тегишли Кодекснинг 277-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, ҳал этиш учун жиноий ишлар бўйича туман судига юборилди.

Албатта, ҳар ким қай йўсинда жиноят қилишидан қатъий назар, қонун олдида жавоб бериши аниқ. Биз юқорида номларини келтириб ўтган шахслар ҳам ана шундай жавобгарликдан бенасиб қолганлари йўқ. Лекин масаланинг бошқа томони кишини ўйга толдиради. Шу чоққача туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари, "Хўжамушкент" ўрмон хўжалиги мутасадди раҳбарларининг кўзлари қаёқда эди? Очиғи, уларнинг бу борада назоратни тўлиқ олиб бормаганликлари ҳам ана шундай ножоиз ҳолатларнинг содир бўлишига шароит яратган.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида"ги қонунларда ўрмонларни ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, идоравий назорат эса юқори турувчи идора томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши назарда тутилади. Шу ўринда "Хўжамушкент" ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Илҳом Шерназаров, Янгиобод туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Абдужалил Абдуҳамидовларнинг ўз вазифаларига бефарқ қараганликларини ёқлаб бўлмайди. Чунки улар дарахтларни сақлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, ўрмонларда ва бошқа муассасаларда ноқонуний равишда дарахтларни кесиш ва уларни талон-торож қилиш ҳолларига қарши кураш чораларини ўз вақтида кўрмаганлар. Бундан ташқари, "Хўжамушкент" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Бойзоқовнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқмаганлиги ҳам маълум бўлди.

Агар мутасадди раҳбарлар ўз ишига салгина масъулият билан ёндошганларида, жиноятни амалга оширган шахсларнинг юрагида эса табиатга нисбатан озгина меҳр бўлганида эди, мазкур жиноятлар содир бўлмасди. Зеро, табиатга эътибор қонунлар билан ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида "Ўсимлик дунёси ва ўрмонлар давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат муҳофазасида эканлиги" таъкидлаб ўтилган. Буни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Абдуазиз НАЗАРОВ,**
**Янгиобод туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

# ЧЎЛДАН ТОПИЛГАН БАХТ

***Ҳавас қилса арзигулик оила устуни кутилмаганда қулади. Шарқ аёлларига хос сабр ва матонат ила, вафога йўғрилган қудрат ила нозик жуссаси билан Новвотой опа Эргашева оила устуни бўлиб қолди.***

Чунки олти нафар талаба фарзанд учун албатта ота ўрнини билдирмаслик жуда муҳим эди.

Отадан етим қолган Тошпўлат ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига ўқишга кирди. Институтни битирганидан сўнг у оиласи билан Булунғур туманидан Зафаробод (собиқ Октябр) туманига кўчиб ўтди. Бу йиллар унинг учун синов йиллар бўлди, дейилса муболаға бўлмас. Чунки жазирама иссиғи-ю, қаҳратон қишига чидаган ёшларгина чўлни ўзлаштирганлар. Турмуш ўртоқларига елкадош мададкор бўлган хотин-қизларимиз заҳмати ила чўл бўстонга айланди.

**ТУРМУШ**

Тошпўлат ака Эргашевлар хонадони ҳам шу ерда униб ўсди, обрў топди. Кўп йиллик тажрибадан сўнг 1987 йили Тошпўлат Эргашев Зафаробод туманининг энг йирик С. Раҳимов номли хўжалигига раҳбар этиб тайинланди. Бу йилларда хўжаликда қўшимча битта мактаб, иккита болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу албатта аҳолининг ҳаёт тарзи ўсиши, фаровонлигининг ошишидан далолатдир. Ўша йиллари хўжалик давлат режаларини ортиғи билан бажариб келди.

- 2000 йилда турмуш ўртоғимизнинг юрак хуружидан тасодифан вафоти мени бироз эсанкиратиб қўйган бўлсада, ҳаётга теранроқ боқишга, олти нафар фарзандим тақдири энди фақат менинг зиммамда эканлигига отасининг ўрнини билдирмаслик, бу жудолик уларнинг ўқишларига таъсир этмаслигига ҳаракат қилдим. Чунки, фарзандларимизнинг ҳаммаси талаба эди, – дейди Новвотой опа Эргашева.

60 гектар ер майдонига эга бўлган "Шерзод-1" фермер хўжалигини бошқариш энди остона хатлаб кўчага чиқмаган Новвотой опа зиммасида эди. 10 нафар ишчилар билан, эрининг руҳидан мадад сўраб Новвотой опа далага отланди. Деҳқон қизи эмасми, ўша йили 40 гектар ерга пахта экиб, давлатга 96 тонна ўрнига 115 тонна юқори сифатли пахта топширди, 20 гектар экилган ғалладан эса 56 тонна ўрнига 67 тонна ғалла топширилиб, режалар ортиғи билан уддаланди. Опа нафақат оилада балки жамиятда ҳам ўзининг ёлғизлигини сездирмасликка ҳаракат қилди. 15 тонна ғалла ишчиларга тарқатилди. Мана 5 йилдирки "Шерзод-1" фермер хўжалиги олдига қўйилган давлат режаларини ортиғи билан уддалаб келмоқда. Фермер хўжалиги тасарруфида 2 та МТЗ-80 русумли трактор, "Нексия" енгил автомашинаси мавжуд. Фермернинг 2002 йилги ялпи даромади 5 миллион сўмга етди. Ишчиларнинг ўртача даромади эса 40-45 минг сўмни ташкил этди.

- Чўлга бориб, бахт топамиз деган эди турмуш ўртоғим – дейди Новвотой опа. - Бу орзу амалга ошди. Бахтим шуки биз жамиятда ўз ўрнимизни топа олдик, ҳурмат қозондик, бойлигим эса менинг фарзандларим. Оллоҳга шукурки, 4 нафар невараниг бувисиман. Фарзандларим юзимни ҳеч қачон ерга қаратишмаса дейман. Чунки обрў, ҳурмат мисқоллаб йиллар давомида йиғилади. У тўкилса бирдан тўкилади. Яна бир ниятим турмуш ўртоғим қурдирган мактабнинг бирига унинг номи берилса .

Яхши ният ярим давлат. Яхшилик ила ҳаётга интилиб яшаган ҳар бир инсоннинг нияти ижобат бўлиши тайин. Зеро умид билан яшаш инсонларга хос фазилатдир.

**Нодира ҚУДРАТОВА**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЭВРИЛИШ ЭПКИНЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Шароити ҳаддан зиёд оғирлашиб қолган туманларда ҳам деҳқон даласига қайтди. Аҳоли янги раҳбариятнинг қадами қутлуғ келганини таъкидламоқда. Бугун овул ва олис қишлоқларда бўлган киши одамлар кайфиятидаги ўзига хос кўтаринкиликни, улар руҳиятидаги эврилишларни осонгина пайқайди. Иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласида муҳим тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, шу йўл билан овул ва қишлоқларда кўплаб янги-янги иш ўринларининг яратилишига алоҳида эътибор бериляпти. Иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган кўплаб ширкатлар тугатилиб, экин майдонлари фермерларга бўлиб берилаётганлиги ҳар жиҳатдан самарали бўляпти. Ҳукуматнинг тегишли қарорлари билан паст рентабелли, истиқболсиз деб топилган ширкатлардан 43 таси тугатилди ва уларнинг негизида кўплаб янги фермер хўжаликларига асос солинди. Шу йўл билан деҳқонларга эркинлик берилиб, уларда ерда, мулкка бўлган муносабатлар тубдан ўзгараётганлиги ҳозирданоқ ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати фермерчилик ҳаракатини ҳар жиҳатдан ривожлантириш минтақа истиқболининг асоси эканлигини теран англамоқда ва бу борада муҳим чора-тадбирлар кўрмоқда. Фермерлар учун зарур инфратузилмани вужудга келтириш, уларга қулай хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш муҳим масала. Қишлоқларда хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи корхоналар томонидан ташкил этилаётган шохобчаларнинг замонавийлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Айни вақтда банк муассасаларига қарашли 18 та мини-банклар олис овул ва қишлоқларда мижозларга самарали хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шохобчаларда бирмунча оғир шароитга қарамасдан намунали фаолият учун зарур қулайликлар яратилган. Мини-банкларда компьютер, модем алоқалари ва яна бошқа керакли жиҳозлар мавжуд. Ҳисоб рақамларини очиш, кредит олиш тартибларига доир меъёрий ҳужжатлар ва банк томонидан белгиланган омонат турлари бўйича маълумотлар бор. Тадбиркорлар бурчаги ва ишонч телефонлари ишлаб турибди. Мазкур банк шохобчалари айни вақтда нафақат фермерларга, балки ўша ҳудудларда иш юритаётган бошқа кўплаб ўрта ва кичик бизнес субъектларига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Ҳар бир банк айнан мини-банклар орқали ўз фаолиятини эндигина бошлаган кўплаб фермерларга техника, эҳтиёт қисмлар ва қорамол учун анча йирик миқдорда кредитларнинг берилаётганлиги мижозларни қувонтирибгина қолмай, банклар ўртасидаги ўзаро холис рақобатни ҳам кучайтирмоқда. АТ"Пахта Банк" Қорақалпоғистонда 12 та мини-банклар очишга улгурди. Ўтган даврда тақдим этилган 52 та лойиҳага асосан 146 миллион сўм кредит маблағлари берилди. Фермерлар ушбу иқтисодий кўмакдан самарали фойдаланиб, пахта, ғалла, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга эришмоқдалар. Масалан, Кегайли туманидаги "Бозаул" фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Фермер "Пахта Банк" томонидан берилган 4 миллион сўм кредитга техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилган эди. У бу иқтисодий кўмак туфайли сув танқис бўлишига қарамай ўтган йили мўлжалдаги ҳосилни етиштириб, давлатга топширди ва 1,5 миллион сўм соф фойда олди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Мини-банкларда фаолиятнинг намунали йўлга қўйилганлиги мижозлар сонининг кун сайин ортиб боришига ҳам шароит яратяпти. Бу эса уларнинг фойда билан ишлашини таъминлаяпти. Хусусан, Амударё туманидаги "Оқ олтин" мини-банки 2002 йилни салмоқли фойда билан якунлаганлиги ибратлидир. "Пахта Банк"нинг иқтисодий кўмаги билан жойларда кўплаб янги иш ўринларининг очилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Хусусан, яқиндагина Тўрткўл туманидаги "Гулнур" хусусий фирмаси томонидан гилам ишлаб чиқаришга асос солиниб, 40 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу борада республика акционерлик-тижорат "Ғаллабанк"нинг Қорақалпоғистон бошқармаси томонидан ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. Бошқарма қисқа муддатда янгидан иккита мини-банк очишга эришди. Шуниси аҳамиятлики, улар гарчи қишлоқда бўлишига қарамасдан шаҳар ва туман банк бўлимларидан деярли фарқ қилмайди. Компьютер ва модем алоқалари узоқни яқин қилиб бир зумда мижозлар ҳожатини чиқармоқда. Амударё туманидаги "Дўстлик" фермерлар уюшмасига қарашли мини-банкда ана шундай қулайликларни кўриш мумкин. Янги йилдан ушбу мини–банк қайта жиҳозланиб, замонавий тарзда таъмирланди. Натижада унинг иш юритиши янада фаоллашди. Бугун ушбу мини-банк 60 нафардан зиёд мижозга хизмат кўрсатмоқда.

"Тадбиркорбанк"нинг Қорақалпоғистондаги бўлими ўтган даврда фақат фермерларнинг ўзига 120 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари берди. Унинг иқтисодий кўмаги билан беш фермер техника двигателларини сотиб олди. Яна ўн беш фермер хўжалиги банк ёрдами билан ана шундай қулайликлардан фойдаланиш арафасида турибди. Буларнинг ҳаммаси "Тадбиркорбанк"-нинг жойларда фаолият кўрсатаётган 5 та мини-банкларида иш намунали йўлга қўйилганлигини англатади.

Фермерлар фаолиятини ривожлантиришда уларни мунтазам равишда минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаб бориш ҳам муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Ўтган даврда республика "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмаси томонидан фермер хўжаликларига айлантирилган собиқ ширкатлар негизида кўплаб янги минерал ўғит сақлаш омборлари ташкил этилди. Улар орқали деҳқонларга зарур маъданли ўғитлар етказиб берилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги 63-сонли қарорига асосан туманларда минерал ўғит сотиладиган 50 та фирма дўконларини очишга эришилди.

"Қорақалпоқнефтмаҳсулот" шўъба унитар корхонаси ҳам фермерларни узлуксиз равишда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини кўрмоқда. Бу борада узилиш ва кечикишларга йўл қўймаслик учун барча имкониятлар яратилган. Ўтган икки ой давомида ҳукумат қарорига асосан тугатилган хўжаликларнинг ёнилғи қуйиш шохобчалари қолдиқ қийматида харид қилиб олинди. Шу кунларда айнан фермерларга хизмат кўрсатувчи янги АЁҚШлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Чунки ширкат хўжаликларига 35-40 йил давомида хизмат кўрсатиб келган эски ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ҳолати мутлақо бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Шуларни синчиклаб ўрганиб чиққан "Қорақалпоқнефтмаҳсулот" унитар корхонаси ёнилғи қуйиш шохобчаларини янгидан қуриш йўлидан бормоқда. Янгидан қурилган Кегайли туманидаги Б.Каримбердиев номли, Элликқалъа туманидаги "Бўстон", Беруний туманидаги У.Жуманиёзов номли ҳамда Амударё туманидаги "Дўстлик" фермер хўжаликлари уюшмаларига хизмат кўрсатаётган ёнилғи қуйиш шохобчаларининг кўриниши замонавийлиги билан ажралиб турибди. Бу борада Тахиатош ва Қоратау нефт омборлари жамоаларининг бунёдкорлик ишлари ибратли бўлаяпти.

Хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи корхоналар томонидан қишлоқ ҳамда овулларда инфратузилмани яратишга эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларни фермерлар оғирини енгил қилиш ниятида уларнинг эртанги равнақлари учун бугундан қўйилаётган пойдеворга ўхшатиш мумкин. Мақсад: фермерлар истиқболда ўзларининг барча муаммоларини ўша ернинг ўзида ҳал эта олсинлар, қимматли вақтларини тежаб, асосий эътиборларини ердан қандай қилиб мўл ҳосил олиш кераклигига қаратсинлар

-Ҳозирда ҳар жиҳатдан мукаммал тарзда барпо этилаётган инфратузилма объектлари келажакда Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига хизмат қилади, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш гуруҳи аъзоси Пўлат Абдуллаев. – Чунки бу шохобчаларнинг барчаси айнан деҳқон манфаатларига хизмат қилиш учун яратилмоқда.

Ҳақ гап. Эрта бугундан бошланади. Айни кунларда комил ишонч ва эзгу ният билан қилинаётган барча ишлар вақт келиб ўз самарасини беради.

Эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳамда туман раҳбарлари зиммасига мини-банкларда "Модем" алоқаларини ўрнатиш, уларни алоқа воситалари билан тўлиқ таъминлаш масаласини ҳал этиш вазифаси юклатилган эди. Бу масала айрим жойларда ўз ечимини топмади. Бунинг натижасида ташкил этилган баъзи мини-банклар "модем" алоқасисиз компьютер диски орқали фаолият юритишга мажбур бўлмоқда. Масалан, "Тадбиркорбанк"нинг Хўжайли бўлими узоқ масофага "модем" алоқасини олиб бориш ва ўрнатиш имкониятини топа олмаганлиги учун тумандаги кўзда тутилган "Жамбул" фермерлар уюшмасида эмас, "Озодлик" ширкат хўжалигида мини-банк очишга мажбур бўлган. Шунингдек, ҳукумат қарори билан тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича баъзи туманларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолиятида ҳам асосий воситаларни тақсимлашда ва уларга нарх белгилашда нуқсонларга йўл қўйилган. Жумладан, Қўнғирот туманида ташкил этилган ишчи гуруҳининг тавсияси билан собиқ Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг бутунлай яроқсиз ҳолга келган ёнилғи қуйиш шохобчасини "Қорақалпоқнефтмаҳсулот" унитар корхонаси балансига ўтказиш чоғида 19 миллион сўм қийматда нарх белгиланган. Масала қайта кўриб чиқилганда эса 1 миллион сўм қийматда белгиланган. Беруний туманидаги собиқ "Олға бос" ширкат хўжалигининг ҳеч нарсаси қолмаган ёнилғи қуйиш шохобчасига ҳам 4 миллион сўм нарх белгиланган. Бундан ташқари фермерлар билан нефть ва кимё маҳсулотларига ҳисоб-китоб қилиш жараёнида ҳам муаммоларга дуч келинмоқда. Белгиланган тартибга кўра маҳсулотлар фермерларга олдиндан ҳақ тўлангандан сўнг берилиши жорий қилинган. Аммо аксарият фермерларнинг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли бунга эришиб бўлмаяпти. Демак, бу муаммони ҳал этиш учун ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва маъданли ўғитлар олиш учун имтиёзли кредитлар беришни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб кўриш кераккa ўхшайди.

Ўйлаймизки, мутасадди идоралар юқоридаги муаммолар ечимини топиш чораларини кўрадилар.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.**



# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ИНСПЕКТОРЛАР ИРОҚҚА ҚАЙТАДИМИ?

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***



Унда БМТнинг халқаро инспекторларини Ироққа қайтариш ва у ерда оммавий қирғин қуроллари бор ёки йўқлигига ойдинлик киритиш масаласи кўриб чиқилди. Лекин инспекторлар раҳбари Ханс Бликс бугунги ҳолатда ўз ходимларини Ироққа юбориш учун уларнинг хавфсизликлари кафолатланиши кераклигини таъкидлаган.

Вашингтонда чиқиш қилган АҚШ президенти Жорж Буш маъмуриятининг вакили Ари Флейшер, Оқ уй БМТ томонидан Ироққа нисбатан жорий этилган жазо чораларини бекор этиш тарафдори эканлигини билдирган. Чунки бугун Саддам Ҳусайн тузуми йўқ қилинди ва мамлакатда янгича тартиб ўрнатилмоқда. Шунингдек, Америка ҳам инспекторларни Ироққа қайтаришни хоҳлайди.

## СОБИҚ ВАЗИР ТИРИКМИ?

***Ироқлик бизнесменнинг айтишича, 9 апрел куни уйида ўз жонига қасд қилган Ироқнинг собиқ ахборот вазири Муҳаммад Саид ас-Саххаф тирик.***



У ас-Саххафни Эбил шаҳрида кўрган. Айнан шу шаҳарда вазирнинг отаси яшайди. Гарчи, у АҚШнинг 55 кишилик "қора рўйхат"-ига киритилмаган бўлса-да, лекин ас-Саххаф иттифоқчи кучлардан яшириниб юрибди.

Ундан аввал эса АҚШ аскарларининг Бағдодга киришларидан бир неча соат олдин ахборот вазири ўз жонига қасд қилганлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди, дея ёзади "Рейтер" агентлиги.

## ПЕКИНДА МУЗОКАРАЛАР

***Кеча Пекинда Корея ярим оролидаги ядровий инқироздан чиқиш масаласига бағишланган АҚШ, Хитой ва Шимолий Корея ўртасида уч томонлама музокаралар бошланди.***



Уч кун давом этадиган музокараларда АҚШ делегациясига давлат котибининг Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича ёрдамчиси Жеймс Келли, Шимолий Корея делегациясига эса ташқи ишлар вазирлиги вакили Ли Кун бошчилик қилмоқда. Расмий Вашингтоннинг мақсади Пхеньяннинг ядро дастурини тўхтатишга эришишдир. Ўз навбатида шимолликлар ҳам АҚШ томонидан ўзларига ҳуруж бўлмаслигига кафолат олишни кўзламоқдалар. Кузатувчиларнинг фикрича, мазкур учрашувда маълум даражадаги мақсадга эришилади.

## АСОСИЙ ГУМОНДОР УШЛАНДИ

***Ўтган ҳафта ўлдириб кетилган Россия давлат думаси депутати Сергей Юшенков фожиасида гумон этилаётган 20 ёшли Александр Степанов ҳибсга олинди.***



Москва шаҳрининг Строгино кўчасидаги уйида қўлга олинган асосий гумондор ўз отаси учун Сергей Юшенковдан қасд олган бўлиши мумкин. Боиси, бир неча йил аввал Александрнинг отаси Юшенков номига ёзган танқидий мактуби боис, ярим йил қамоқхонада ўтириб чиққан эди. Россия ички ишлар вазири Борис Гризлов эса жиноий иш доирасида нафақат қотил, балки буюртмачи ҳам ушланишига умид билдирган. Кеча эса қотилнинг фотороботи барча тезкор ходимларга тарқатилган. Унга кўра, жиноятчи 16-20 ёш атрофида, бўйи 165-170 сантиметр.

## НАВБАТДАГИ ҚУРБОНЛАР

***Ўтган сешанба куни Гонгконгда номаълум касаллик туфайли яна беш киши ҳалок бўлди ва 32 киши уни ўзларига юқтириб олганликлари учун ишфохонага келтирилди.***



Ҳалок бўлаётганларнинг аксариятини 66-88 ёш атрофидаги қариялар ташкил этмоқда. Пекинда ҳам вазият янада жиддийлашган. Шу сабаб, май ойида нишонланадиган байрамда хитойликларнинг кўпчилигининг қатнашмасликлари сўралмоқда. Жумладан, талабалар байрам кунлари ўз ётоқхоналарида бўлишлари керак. Бугунга қадар касаллик келиб чиққан Хитойнинг ўзида 97 киши, дунё бўйича 236 киши ҳаётдан кўз юмди. 4300 киши эса зарарланди, дея хабар беради "Ассошиэйтед Пресс" агентлиги. Касаллик эса Хитой жанубида ҳайвонлардан инсонларга ўтганлиги тахмин этилмоқда.

## ЯНГИ ҲУКУМАТ МОЖАРОСИ

***Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат яқинда тайинланган бош вазир Маҳмуд Аббос билан янги ҳукумат тузиш борасида қаттиқ кураш олиб бормоқда, дея хабар беради BBC News.***



Янги ҳукумат тузиш муддати кеча ниҳоясига етган бўлсада, лекин икки ўртада қарама-қаршиликлар келиб чиқаяпти. Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳукумати эса Ёсир Арофатдан Маҳмуд Аббос билан баҳслашмасликни, тезроқ бош вазир қошида вазирлар маҳкамасини тузишини сўрамоқда. Тахминларга кўра, Ёсир Арофат Маҳмуд Аббос ташкил этажак янги ҳукумат таркибидан ўзига қарши бўлган кишилар ҳам ўрин олишидан хавотирланмоқда.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент банк ҳисоб-кредит техникуми томонидан 1990 йили Раымбекова Эльмира Ослановна номига берилган 218042 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Умид-СК" жамоа корхонаси "Сардоба-Дил" хусусий фирмасига қўшилаётганлиги муносабати билан унинг мажбуриятларини "Сардоба-Дил" хусусий фирмаси ўз зиммасига олади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 50-42-85.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "ILSHAYX" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 54-63-12.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 141-ўрта мактаб томонидан 2000 йили Ҳамидов Даврон Ниғматжонович номига берилган O'RA-№ 886187 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан тадбиркор "Mirhaydarov Mirzufar Mirsobitdinovich" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Ахборот технологиялар университети томонидан 2002 йил М-9-02 гуруҳи биринчи босқич магистранти Муҳаммедов Жаҳон Шокирович номига берилган №0503 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги "Арапа" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Марҳамат шаҳри, Олмазор кўча 36-уй. Тел. 1-28-54.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги "ХАИЛ" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 72-65-62.

# ПАРРАНДАБОҚАР АКЦИЯДОР - ФОЙДАДАН МАНФААТДОР

***Қибрай туманидаги "Шарқ" паррандачилик корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Харидор ҳам кўп. Муҳими, жамият мутасаддилари баъзи раҳбарларга ўхшаб муаммоларни кўндаланг қилмасдан, ишбилармонлик билан кам харажат қилиб, кўпроқ даромад олишга эришишаяпти.***

-Хусусий мулкчиликка кенг ўрин берилаётган бир пайтда қўл қовуштириб ўтириш мумкин эмас, - дейди корхона раҳбари Жамил Аҳмедов. – Фабрикамиз 1994 йили биринчилар қатори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Акцияларимиз 75 фоизи очиқ савдода сотилган бўлса, 25 фоизи давлат улуши ҳисобланади. Албатта, мулкчилик шаклининг ўзгариши корхонамизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Жамоамиз аҳил, ҳар қандай муаммони биргаликда ҳал этамиз. Шу боис бизда боқимандалик йўқолган. Ишчиларимиз акция туфайли мулк эгаси саналади. Улар яхши ва ҳалол меҳнат қилинса, дивиденд ҳам олишини билишади.

Дарҳақиқат, қаердаки меҳнатга иштиёқ, манфаатдорлик кучайса, ўша ерда қут-барака бўлади. Ҳозир "Шарқ"нинг 20 та товуқхоналарида 104 минг товуқ, 80 минг бош жўжа боқилаяпти. Бир кунда режадаги 60 минг ўрнига 70 минг донадан ортиқ тухум ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг фаолияти даставвал сифатли паррандабоп озуқага боғлиқ. Бу борадаги муаммолар корхона раҳбарининг уддабуронлиги, тадбиркорлиги туфайли ижобий ҳал этилган.

**ИЗЛАНИШ**

-Деҳқонларнинг парранда гўнгига бўлган талаби кучли. Шу боис йилига 2000-3000 тонна парранда гўнгини ширкат ва фермер хўжаликларига берамиз. Улар ҳам ўз навбатида парранда озуқаси бўлмиш арпа ва макка донини етказиб бераяпти. Шу боис емнинг сифати зўр.

Ҳиссадорлик жамиятида 235 нафар ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатади. Ойлик иш ҳақи ўртача 45 минг сўмни ташкил этаяпти. 2002 йилнинг ўзида жами 30 миллион сўм атрофида маош тарқатилган. Ҳиссадорлик жамиятининг 2002 йилдаги парранда гўшти ишлаб чиқариш режаси 100 тонна эди, амалда 214 тонна қилиб бажарилди. Тухум ишлаб чиқариш эса бизнес-режага нисбатан 129 фоизга уддаланди.

-Жамоамизда илғорлар кўпчиликни ташкил этади, - дейди ҳиссадорлик жамияти раиси фахр билан. – Биргина ўтган йили Дилшода Абляева, Малоҳат Мусаева сингари товуқбоқарлар ҳар бир товуқдан 269-279 донадан тухум олишган. Жамоанинг ғайрати туфайли корхонамизнинг моддий аҳволи ҳам кунба-кун яхшиланиб бораяпти. 2002 йилни 165 миллион 408 минг сўм соф фойда билан якунладик. Бу эса кутилганига нисбатан қарийб 70 миллион сўм ортиқ дегани.

Корхона раҳбари билан узоқ гурунглашдик. У киши эртанги кун режалари ҳақида ҳам батафсил гапириб берди. Юртимиз бозорлари, дастурхонимиз тўкинлиги йўлида меҳнат қилаётган ва ўз пешона тери эвазига моддий жиҳатдан бойиб бораётган ана шундай жамоани кўриб, ҳавасимиз келди. "Шарқ" ўзининг ишлаб чиқараётган парранда маҳсулотлари билан бундан кейин ҳам истеъмолчиларни хушнуд этади, дея ният қиламиз.

**С.ШАРОПОВ**

# "НУНЕМС"НИНГ СЕРҲОСИЛ УРУҒЛАРИ

nunhems

***Мамлакатимиз аҳолисининг олтмиш фоиздан зиёди қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Табиийки, уларнинг тирикчилиги асосан деҳқончилик билан боғлиқ.***

Нуфузи ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Юртимизда эса суғориладиган ер майдони чегараланган, уни кенгайтиришга имкон йўқ. Шунинг учун тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг сермаҳсул, турли касалликларга чидамли навларини танлаб, деҳқонларга тақдим этишни, шароитнинг ўзи тақозо этаяпти.



Қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари эса айрим чет эл фирмалари билан ҳамкорликда зироатчилик учун зарур ўсимлик навлари бўйича самарали иш олиб бормоқдалар. Жумладан, 1999 йилдан буён бир гуруҳ мутахассислар Голландиянинг "Нунемс" (Nunhems Zaden BV) фирмаси полиз ва сабзавот экинлари уруғларининг республикамизда кенг миқёсда экилишига бош-қош бўлиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Жумладан, Astona F1, Shannon F1, Classic F1 гибридларини ва Superstrain B каби навли помидор, Орзу F1, Аякс F1, Делпина F1 сингари навли бодринг, Крисби F1, Леди F1 каби тарвуз гибридлари серҳосиллиги туфайли деҳқонларга манзур бўлмоқда.

"Нунемс" фирмаси ходимлари уруғларни замонавий усулда қайта ишлаб, турли хил кимёвий моддалар билан ҳимоялантириб, инсонлар учун зарарсиз ҳолда ҳосилдорликни оширишга интилишмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу уруғлардан фойдаланиш замонавий агрономик талабларга қатъий риоя қилишни тақозо этади. Мазкур фирманинг таҳсинга сазовор яна бир анъанасини тилга олиб ўтиш жоиз: ташкилот вакиллари ўсимлик ҳосилга кириб, йиғиштириб олингунча деҳқонга тегишли маслаҳатларни бериб, кузатиш ишларини олиб боришади. Изланишлар жараёнида мутахассислар анъанавий селекция усулларидан кўнгилдагидек натижа чиқмаслигини тушуниб, ҳар хил навларни чанглантириш ва вегетатив пайвандлаш орқали ҳосилдорлиги юқори гибридларни ҳосил қилишга эришмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, "Нунемс" навлардан юқори ҳосил олиш учун ҳам ана шундай замонавий усулларга қатъий риоя қилиш лозим. Шу боис деҳқон ва фермерларимизнинг билим ва кўникмаларини ошириб боришлари юқоридаги усулларни татбиқ этишларида қўл келади.

**ҲАМКОРЛИК**

Мустақил давлатимизда ишлаб чиқа-



рилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз ўрнини топиши учун халқаро стандарт меъёрларига жавоб бермоғи даркор. Шу мақсадни кўзлаб, 2000 йилда "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси билан "Нунемс" фирмаси ўртасида музокаралар олиб борилиб, Ўзбекистон шароитида янги ва серҳосил уруғларни қўллаш ва дунё стандартига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун йирик лойиҳага имзо чекилди. Бу эса янги нав помидор қайта ишланиб, тайёрланган кетчупларни бошқа давлатларга экспорт қилишга имкон яратди.

Юртимизнинг турли ҳудудларида "Нунемс" фирмаси уруғлари синовдан ўтказилиб, фермерларимиз ишончини қозонмоқда. Хусусан, Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Наманган, Фарғона вилоятларидаги фермерлар бир неча йиллардан бери "Нунемс" фирмаси билан ҳамкорлик қилиб келишмоқда.



Деҳқон ва иссиқхона хўжаликлари ҳам "Нунемс"-нинг сифатли уруғларидан юқори сифатли ҳосил олишяпти.

"Нунемс" уруғлари дунёнинг деярли барча минтақаларида экилади. Шунинг учун улар орасидан Ўзбекистон шароитига мос келадиганини танлаб олиш ҳам осон кечмади. Бу муаммони ҳал этиш борасида жойларда тажрибалар ўтказилиб, бизнинг иқлимга, шарт-шароитимизга мос келадиган уруғлар танлаб олинди. Зеро, фирманинг асосий иш усулларидан бири ҳам янги уруғ гибридини бошқа мамлакатларга тарқатишдан олдин географик ҳолатни пухта ўрганиш ва уруғларни ўша жойда синовдан ўтказишдан иборат. Хулоса шуки, "Нунемс" билан ҳамкорлик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий этишига хизмат қилади.

**М.ВАЛИХОНОВ,**
**биология фанлари доктори,**
**профессор.**

# ГАП ОШДАМИ Ё МОШДА?

(Боши 1-бетда)

Энг муҳими, ўқув юрти иқтисодий жиҳатдан ҳам юксалиб бормоқда. Коллежда 2002 йилда 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соф фойда 2 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг ҳисобидан ўқувчиларга 500 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Қолган 1,5 миллион сўмга эса китоб сотиб олинганлиги ҳам мақтовга сазовордир.

Ўқув юрти зўр бўлгач, ўқувчилар ҳам ўз-ўзидан оқиб келаверар экан. 2002 йилда 300 ўринга 500 нафар абитуриент даъвогар бўлди. Шундан 335 нафари танлов асосида қабул қилинди. Коллеж талабалари фан олимпиадалари, "Баркамол авлод" мусобақалари ҳамда турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётганликлари ҳам устозларнинг самарали меҳнати натижасидир. Вакилларимиз 2002 йилда Хоразмда бўлиб ўтган "Ўзбекистон – Ватаним маним" танловида учинчи ўринни эгаллашди. Ҳар хил фан тўгараклари ҳамда амалий машғулотларда касб сирларини эгаллаш учун интилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Туманда коллеж жамоасини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган саховатпеша кишилар оз эмас. Имом Исломов, Шуҳрат Рустамов, Холмурод Каримов, Абдуғаффор Норқулов, Ҳусан Чориев ва бошқа фидойи юртдошларимиз тўғрисида ана шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин. Аммо... Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежида бўлганимизда юқоридаги каби ижобий ишларга дуч келмадик. Ўқув юрти директори Ҳамро Қосимовнинг ишдан ҳафсаласи пир бўлган кўринади.

-Ука, қарибмиз шекилли, ишлар юришиб кетмаяпти, - дейди коллеж раҳбари ҳорғин кайфиятда. – 2002 йилда талабалар қабул қилиш режасини бажара олмадик. Қурилиш ва пардозлаш ишлари мутахассислиги бўйича ўқишга кириш учун 53 ўринга атиги 28 нафар абитуриент ариза берди. Сабаби аниқ. Туманда бир қатор корхона ҳамда ташкилотлар иши кўнгилдагидек эмас. Хусусан, қурилиш ташкилотлари иш кўлами кенг эмаслигидан мутахассисларга эҳтиёж кам. Ўқув юртимизни битирган ёшларнинг кўпчилиги иш излаб сарсон бўлиб юришибди.

Коллежнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик. Директор ўқув юртининг иқтисодий қуввати ночорлигидан нолиди. Айниқса, 2002 йилда 6 миллион сўмлик турли хизматларни адо этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Бу борада 1 миллион сўмлик иш бажарилди, холос.

-Бир қанча дастгоҳ олиб келинибди. Ўқувчилар ва бошқа ходимларингиз эшик, дераза, стол-стуллар ва бошқа қурилиш, уй-жойлар учун ҳар хил анжомлар ясаши мумкин-ку? – дея сўрадим директордан.

-Бунинг учун дастгоҳлар керак, - деди баҳонаталаб раҳбар. – Қурилиш соҳасини пухта ўзлаштирган кишилар ҳам етишмайди. Бизда қурилиш ҳамда гидротехника соҳасида турли хизматларни йўлга қўйиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун умуман шароит йўқ. Аввало, устахонамиз тўлиқ жиҳозланмаган. Амалий машғулотлар ўтказишда қийналиб қоляпмиз. Иккинчидан, ўқитувчи кадрлар кам. Шу сабабли механика факультетини битирган киши электротехникадан сабоқ беряпти. Ўқув юртининг биология факультетини тамомлаган муаллим эса географиядан дарс ўтишга мажбур бўлмоқда. Математика ўқитувчиси ҳам етишмайди. Хуллас, гапираверсак, муаммоларимиз тўлиб-тошган. Нимасини айтасиз, коллежларда аҳвол кўнгилдагидек эмас. Жарқўрғон маиший хизмат коллежи директори Ўткир Бегалиев бир неча миллион сўм маблағни ўзлаштирганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Директор Ҳамро Ҳасановнинг сўзларини тинглар эканман, аҳвол шунчалар ташвишли экан, айб ошдами ёки мошдами, дея ўйланиб қолдим. Ва шундай хулосага келдим. Ахир, Қамашидаги касб-ҳунар коллежига уддабурон, ташкилотчи киши раҳбар этиб тайинлангач, ишлар ўз-ўзидан юришиб кетган-ку? Имкониятлар ҳам осмондан тушмаган. Директор ҳам, ходимлар ҳам изланишган, ҳаракат қилишган ва бир йилда ўн икки миллион сўм пул топишган. Эҳтимол, Жарқўрғондаги касб-ҳунар коллежидаги ўзибўларчиликлар вилоятдаги раҳбарларга маълум эмасдир? Балки вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Абдуҳалил Меликулов бу ўқув юртидаги аҳволни ўнглаш учун бирор амалий чоралар кўрар?

**Жовли ХУШБОҚ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ...АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЁМОН

***Муниранинг ёшлиги оғир кечди. Ота-онасидан эрта жудо бўлди, опаси-ю икки синглиси билан етим қолди.***

Аммо иродаси букилмади, руҳан чўкмади. Мактабни тугатиб, институтга ўқишга кирди. Опаси турмушга чиққандан сўнг рўзғор ташвиши унинг зиммасига тушди. Институтда таҳсил олиш, боз устига икки сингилни оқ ювиб, оқ тарашнинг ўзи бўлмайди.

Ўқишни битириб, ўртамиёна корхоналардан бирига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди. Хонадон эшигини чертиб келган совчиларга эса, сингиллари тақдирини ўйлаб рад жавоби берди. Бу ҳол бир-икки йил давом этгач, совчилар хонадон эшигига йўламай қўйишди. Мунира ўшанда хато қилаётганини билганида борми... Афсуски, вақт ҳам, ёшлик ҳам ортга қайтмайди.

Мунира корхона раҳбари Нормурод Шомуродовичнинг кейинги пайтларда ўзига бошқача назар билан қараётганини, муомаласи ҳам мулойимлашиб қолганини пайқади. У ишга келган дастлабки пайтларда ўртамиёна корхона раҳбарининг яп-янги хизмат машинасида юргани етмагандай, иккита шахсий автомашинаси, данғиллама ҳовлиси, шаҳар марказида "дом"и борлигидан хабар топиб ҳайрон бўлганди. Кейинчалик Нормурод Шомуродович "қўли узун" тоифасидан эканига ишонч ҳосил қилди. Аммо унинг қизга суқланиб қараши... Шуни эслаб, Мунира қулоғигача қизариб кетди.

Орадан кўп ўтмай, Нормурод Шомуродович гулдай оиласи, фарзандлари бўла туриб, Мунирани хонада ёлғиз учратиб, дабдурустдан севги изҳор қилди.

Мунира шундагина ўзининг қари қиз бўлаётганини ўйлаб, изтиробга тушди. Бошлиғига "Яхшимас, яхшимас..." дея олди, холос. Нормурод Шомуродович эса арқонни узун ташлади. Илиқ муомалани канда қилмади. Шу зайлда ойлар ўтди. Икки ўт орасида қолган қизнинг бир кўнгли шартта ариза ёзиб, ишдан бўшаб кетай, деса, кўнглининг бир четида ишсиз қолиш хавотири ҳам йўқ эмасди.

Ахир, ҳозирги шароитда иш топиш осонми? Ишсиз қоладиган бўлса, ўзини-ку бир амаллар, аммо коллежда ўқиётган сингилларининг ҳоли нима кечади?..

Аёл киши – ширин сўзнинг гадоси, дейишади. Нормурод Шомуродович ҳануз ундан ширин сўзини аямас, розилик билдирса, ўз никоҳига олиб, алоҳида квартира ажратиб беришни ваъда қиларди. Охир-оқибат у ўз ния-

## ТАҚДИР

тига етди. Қизнинг розилигини олди. Яқинларидан тўрт-беш кишини чақириб, кичикроқ маърака билан уни никоҳига олди. Мунира янги квартирада яшай бошлади.

Бу орада Нормурод Шомуродович янада "юқорироқ" жойга кўтарилди. Бирин-кетин иккита фарзанд кўришди. Лекин Муниранинг кўнгли ҳамиша ғаш тортиб юрарди. Бу бежиз эмас экан. Илгари кунда бўлмаса, кунора Муниранинг олдига келиб турадиган Нормурод Шомуродович кейинчалик ҳафталаб қорасини кўрсатмайдиган бўлиб қолди. Мунира қўлида эмизикли боласи билан эрининг йўлига ҳафталаб кўз тикадиган бўлди. Ёлғиз онанинг икки болани боқиши осонми?

Эрини ишхонасига сўроқлаб борди. Шунда эр безрайиб туриб: "Сен менинг хотиним эмассан", деса бўладими? Хуши бошидан учган шўрлик аёл "Лоақал икки норасидангиз ҳақи бундай деманг. Боланинг уволи тутади", дея олди, холос. Бунга жавобан орқадан "Бола мендан эмас, кимники бўлса, ўшанга оббориб бер", деган тўмтоқ пўписани эшитди.

Ўз фарзандидан тонган отадан нимани ҳам кутиш мумкин? Иложсиз қолган Мунира алимент ундириш илинжида судга мурожаат қилди. Бундан хабар топган Нормурод Шомуродович айёрлик йўлини тутди. Қилмиши ошкор бўлса, обрўйига путур етишини, мансабидан айрилиб қолишини ўйлаб, ҳийла ишлатди. Ўша куни кайфияти йўқлиги туфайли қўпол гапирганини айтиб, Мунирадан узр сўраган киши бўлди. Яхши кунлар ҳали олдинда эканлигига шама қилиб, аёлни тинчлантирди. Бу гапларга лаққа тушган аёл судга бориб аризасини қайтариб олди. Олишга олди-ю, кўп ўтмай, хатога йўл қўйганини англаб етди.

Узуқ-юлуқ гапларга кўра, эри яна бир қизни тузоғига илинтирган эмиш. Бундай пайтда унинг хаёлига Мунира-ю, унинг икки полапони келармиди? Илон ёғини ялаган бу маккорда на инсоф-диёнат, на иймон-эътиқод бўлмаса. Бир кун келиб бундай кимса эл олдида шармандаи-шармсор бўлиши тайин. Бироқ, баъзи содда, ишонувчан қизларимиз ҳаёт синовлари олдида Мунира каби ўзларини йўқотиб, адашмасинлар, деган ўйда бу воқеани мухтасаргина қилиб қоғозга туширдик.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ОҚҚАН ДАРЁ - ОҚАДИ!



Б.АКРАМОВ олган сурат.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

# ФАХР

***Термиз шаҳрида вилоят Археология музейининг ташкил этилганлигининг 1 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.***

Тадбир иштирокчилари Султон-Саодат, Фаёзтепа, Кокилдор ота ва Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳларида бўлдилар, шундан сўнг Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали ва драма театрида концерт дастури намойиш этилди..

**Садбархон ЖЎРАЕВА**

# АЛЛОМА ИБРАТИ

(Боши 1-бетда)

Шу аҳволда ҳам у машаққатли илм йўлидан юз ўгирмади. Аввал она юрти Урганчда, кейин эса Бухоро ва Бағдодга бориб илм ўрганди. Маҳмуд катта заҳматлар чекиб, ёғоч оёқда бутун Шарқ мамлакатларини айланиб чиқди. Қаердаки, ўзи билмаган нарсани ўргата оладиган бирор аллома ҳақида эшитса, шу томон интилди. Ҳатто, у илм йўлида Салжуқийлар ва Ғазнавийлар саройидаги ҳукмдорлар ваъда қилган беҳисоб олтинлару, яратиб берган шарт-шароитларидан воз кечди. Саройдаги шоҳона ҳаётдан кўра, маърифат йўлида дарбадар кезишни афзал билди.

Тинимсиз ўқиди, изланди. Қуръони Карим тажвиди ва тафсири билан шуғулланиб, "Ал-Кашшоф", "Ал-Муфассал фи санъат ал иъраб", "Навоби ул-калим", "Атвоқ уз-заҳоб", "Мақомат аз-Замахшарий " каби асарларини яратди.

Араб сарфу наҳфи (грамматикаси)га оид "Ал-Муфассал" асарини ёд олган ҳар бир кишига Сурия ҳокими Музаффариддин беш минг кумуш танга ва бош оёқ сарупо беришни ваъда қилгани, ушбу мукофотга кўплаб кишилар сазовор бўлгани тарихдан маълум.

Шу боисдан аз-Замахшарийнинг араб грамматикасини ўрганишига бағишлаган жасорати учун: "Агар шу оқсоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини ҳам билмас эдилар", деган ярим ҳазил, ярим чин нақл пайдо бўлган.

Аз-Замахшарий ногиронлигига қарамай, Маккада пайтидаёқ ҳар гал Каъба зиёратидан қайтиб, бир мақола ёзар экан. Буни қарангки, озгина вақт ўтиб, мақолалар сони юзга етади.

Ҳолбуки, ҳазрат Замахшарий жисмонан бақувват бўла туриб, савоб иш қилиш у ёқда турсин, илм аҳлининг устидан очиқчасига куладиган қалби сўқирларни ҳаётда кўп учратганди. Шу туфайли ҳам мутафаккир бобокалонимиз "олижаноблик сўқмоғидан чаққон ўрмалайдиган оқсоқларни ва эзгулик йўлида оёқ босолмайдиган оёғи бутунларни кўп кўрганман", деб ёзганлар.

69 йиллик умрини илму маърифатга бағишлаган улуғ аллома аз-Замахшарий ҳаёти барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунасидир.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## КЕРАКСИЗ ҒАЛАБА

***Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси қитъамизнинг энг нуфузли турнири ҳисобланмиш Осиё Чемпионлар Лигаси баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, ярим финалга йўлланма олгани ҳамда бу босқичнинг илк учрашувини Бангкокда маҳаллий "Бек Теро Сасана" жамоасига қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобида мағлубиятга учраганидан хабарингиз бор, албатта.***

Куни кеча эса пойтахтимизнинг "Пахтакор" марказий ўйингоҳида бу икки жамоанинг ҳал қилувчи беллашуви бўлиб ўтди.

Бангкокдаги ўйиндан кейин футбол мутахассислари-ю ҳамкасбларимиз мағлубият сабабини биргина омил: "Пахтакор"нинг узоқ сафардан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқармагани-ю, Таиланднинг намлик ўта юқори даражада бўлган об-ҳавоси билан боғлашганди. Юртдошларимиз финал йўлланмасини қўлга киритишлари учун эса навбатдаги беллашувда камида 2:0 ҳисоби ёки уч тўп фарқи билан ғалаба қозонишлари зарур эди ва кўпчилик айнан шундай бўлишига ишонганди ҳам. Бироқ, қилинган башоратларнинг ҳеч бири ўзини оқламади.

Гарчи, шу куни метеорологлар ёмғирли об-ҳавони ваъда қилишган бўлса-да, "Пахтакор" стадиони футбол мухлислари билан тўлиб-тошди. Лекин, стадионни тўлдириб ўтирган ишқибозларнинг бетиним олқишлари ҳам "Пахтакор" жамоасининг биринчи бўлимда рақиб дарвозасига гол уришига ёрдам беролмади. Майдон марказидаги устунликни тўла-тўкис ўз қўлига олган жамоамизда ҳужумни ниҳоясига етказадиган ўйинчининг йўқлиги шу куни яққол сезилиб қолди. Қарийб 90 дақиқа давомида бехато ҳаракат қилган "Бек Теро Сасана" дарвозабони Фанса Минсаттамнинг ўйин охирида бироз хушёрликни бой бергани "Пахтакор"га кераксиз ғалабани олиб келган ягона голнинг киритилиши билан якунланди. Тўп муаллифи бетоблиги туфайли майдонга тушолмаган Миржалол Қосимовнинг ўрнига плеймейкерлик қилган марказий ярим ҳимоячи Сервер Жепаров бўлди.

Хуллас, "Пахтакор" "Бек Теро"ни енгди, аммо мазкур ғалаба мағлубият билан тенг эди. Хўш, энди жамоа мутасаддилари бу сафарги омадсизлик сабабини қанақа баҳоналар билан изоҳлашар экан? Бу савол ҳар бир футбол мухлисини ўйлантириши табиий.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## НАВОИЙЛИКЛАР БИРИНЧИ

***Халқимизнинг қадимий, миллий спорт ўйинларидан бири чавандозликка қизиқиш ёшлар орасида тобора кучайиб бораётганлиги қувонарли ҳол.***

Буни вилоятларда, туманларда уюштирилаётган кўпкари мусобақалари яққол исботлаб турибди. Куни кеча Навоий вилояти Навоий туманидаги "Нарпай" ширкат хўжалигида шундай беллашув ўтказилди. Асосан вилоят туманларидан ташриф буюрган чавандозлар иштирокида муросасиз кечган ушбу баҳсларда Навоий тумани чавандозлари биринчи ўринни эгаллашди. Хатирчилик чавандозларга эса иккинчи, навбаҳорликларга учинчи ўрин насиб этди.

## ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

***Юртимизда спортнинг шоҳмот турига эътибор катта. Айниқса, кейинги йилларда ёшлар, ўсмирлар ўртасида шоҳмотга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги келажакда бу спорт турининг янада гуллаб-яшнашига замин бўлиши шубҳасиз.***

Фарғонада ФИДЕ ташаббуси билан 16 ёшли ўсмир йигит ва қизлар ўртасида шоҳмот бўйича Осиё чемпионати мусобақаларига старт берилди. Куни кеча бошланган ушбу нуфузли турнирда Осиёнинг бар қанча мамлакатларидан ташриф буюрган иқтидорли шоҳмотчиларга қарши дона сурадиган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига омадлар тилаб қоламиз.

## БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖЛАНАДИ

***Келажагимиз ворислари – ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.***

Шу боис ҳам ҳозирда мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги спорт мажмуаларининг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқиш, ўқув масканларида болажонлар учун янги спорт иншоотлари бунёд этиш, эскиларини қайта таъмирлаш муҳим масала эканлигини тушунган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жойлардаги бўлимлари қизғин ишга киришишган.Гулистон шаҳрида спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда саховатпеша ҳомийлар ёрдамида бунёд этилаётган ушбу спорт мажмуи замонавий кўринишга эга бўлиб, унда вилоятдаги болажонлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, шоҳмот, шашка, теннис, қўл тўпи, бокс, каратэ, кураш, таэквандо каби турлари билан бемалол шуғулланиш имконига эга бўлишади. Оқ олтин туманидаги мактабларнинг спорт заллари ва майдончаларини қайта таъмирлаш ишлари ҳам бошланган бўлиб, бу жараён сентябр ойигача ниҳоясига етказилиши керак. Дарвоқе, жорий йил якунигача Сирдарё вилояти болажонларига бунёдкорлар томонидан 24 та спорт мажмуалари қурилиб туҳфа этилиши кўзда тутилган.

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Маълумки, Токио шаҳрида 28 июл – 4 август кунлари мини-футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.***

Ушбу нуфузли турнирда қатнашиб совринли ўринларни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб олган Азамат Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўқув-йиғин машғулотларини бошлаб юборишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ГЎРКОВ

***Қишлоғимизда Абдулла исмли бир киши бор. Ёши қирқ бешдан ўтиб қолган. Қишлоқ қабристонини супуриб-сидиради, гўрковлик қилади. Ўта беозор ва босиқ одам. Қабр четларига экилган дарахтларни парваришлайди, тозалайди, хуллас, нима иш бўлса, ҳаммасини бажаради.***

Негадир, қишлоқнинг аксар одамлари уни ўз исми билан эмас, менсимайгина "гўрков" деб чақиришади. Буни унинг ўзи ҳам билади. Биладию, индамайди...

Эсимда. Бир йили қўшнимиз Аҳмад ака ўғлига тўй қилди. Баҳонада ёру-биродарлар унинг уйида жамул-жам бўлишди. Ўйин-кулгу авжида. Ҳа, айтгандек, Абдулла ака ҳам Аҳмад аканинг синфдоши. Мактабда бирга ўқишган. Қўшним у кишини ҳам қўярда-қўймай тўйга бошлаб кепти. Лекин, негадир Абдулла ака сўрида, улфатлар орасида кўринмасди. Балки ичкилик борлиги учун ҳам бу жойда ўтиришни истамагандир. Яна ким билсин...

Бир пайт, қўлида чойнак кўтариб олган Абдулла акага кўзим тушди. Бечора, шу ерда ҳам бошқа жўралари каби тиниб, бир жойда ўтирмапти, хизматда. Қизиққанимдан уни кузата бошладим. Чойни келтириб сўридаги жўраларига узатди. Ортига қайтаётган эди, Шокир ака (уларнинг орасида энг пулдори шу киши. Унча-мунча одамни назарига илмайди) унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

-Қайга кетяпсан, гўрков? Мундоқ келиб даврамизга қўшилсанг бўларди. Борасанда ўша қабристонингга. Қачонгача бир чеккада сўппайиб юрасан? Нурилло, гўрковга битта қуй, мен билан битта тўқиштирсин. Ўлик кўмавериб, рангиям мурданикига ўхшаб қолибди.

-Йўқ, Шокиржон сизлар бемалол. Мен ичмайман.

-Менга қаранг, гўрков, - бу гал Шокир аканинг овозида кесатиқ оҳанги сезилди. – Мен ҳамма билан ҳам ичавермайман. Мен учун бир марта кўтарсангиз кўтарибсиз-да. Шу баҳона сиз билан яна ҳам яқинроқ бўлволардим. Гўрковга ҳаммамизнинг ҳам ишимиз тушади. Ажабмас, қабристондаги энг файзли жойни бизга атасангиз...

-Шокиржон, сиз учун ҳам, бошқаси учун ҳам мен бу нарсани ичмайман. Шуни ичиб,

## ИНСОН ЎЗИНГ

сиз билан яна ҳам яқинроқ бўладиган бўлсам, керак эмас, - у бир муддат жимиб яна давом этди. – Мен гўрков бўлганим билан одамларнинг ўлимига кўз тикиб ўтирганим йўқ. Гўрковлик сиз ўйлаганчалик осон иш эмас. Турган-битгани азоб. Азобки, ҳар бир қишлоқдошимни ўз қўлим билан қабрга қўяман. Азобки, ҳар бир биродаримнинг ўлигига аза очиб, кўз ёш тўкаётган унинг яқинларини кўриб, эзилиб кетаман. Тўғри, ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди. Лекин кимдир олдин, кимдир кейин, деганлар. Гўрковга ишингиз тушиши аниқ. Лекин у сизга таниш бўлиши шарт эмас. Ҳаммасининг иши бир.

Бутун давра сукутга толди. Абдулла ака яна ўша алфозда гапида давом этди:

-Ўзим болаларни жуда яхши кўраман. Худо раҳматига олган бўлсин, аёлим билан "тирноқ"қа зор яшадик. Етти йил кутдик. Аммо худо бизга фарзанд бермади. Зарифа сиқила-сиқила жон таслим қилди. Мен эса... Мен эса гўрковлик қила бошлаганимдан бери болаларга яқинлаша олмайман. Уларни эркалагим, бағримга босгим келади. Лекин, иложи йўқ. Сиз қабристондан файзли жойни сотиб олманг, дўстим. Файзли жойни гўрков эмас, Яратганнинг ўзи инъом этади. Яхши ном қолдирган бўлсангиз, яқинларингиз келиб тез-тез хабар олиб туришса, шу жойнинг ўзига файз киради... Мени кўпчилик камгап, одамови деб ўйлайди. Йўқ, мен ҳеч қачон ўзимни четга олмаганман, одамларнинг ўзи мендан қочишади... Хуллас, гапирсам гап кўп. Сизлар бемалол ўтираверинглар.

Ҳеч ким бир оғиз гапиришга журъат қилолмасди. Шокир ака дастурхоннинг қайсидир бурчагига кўз тикканча жим ўтирарди. Нималардир ўйларди. Балки, Абдулла аканинг аччиқ-аччиқ гаплари унга таъсир қилгандир. Балки, гўрковдан бундай гап чиқишини кутмагандир. Балки, ножўя айтган гапларидан афсусланаётгандир...

Тўй тугаб, ҳамма уй-уйига тарқалди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Шокир аканинг ўйчан қиёфада қабристондан чиқиб келаётганини кўрдим. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин тўй куни бўлиб ўтган воқеани эсладиму, узр сўрашга келгандир-да, деб эътибор бермадим.

Бу воқеага унчалик ҳам кўп бўлгани йўқ. Яқинда бир гап эшитдим. Шокир ака тижоратдан орттирган пулларини қишлоқдаги касалхонага, беморларнинг соғайиб кетиши учун сарфлаётган экан. Имкон топса касалхонага бориб, беморларнинг ҳолидан ўзи хабар олаётган эмиш. Илгари маишатга сарфлайдиган пулларини, энди қаровсиз қолган қарияларга, етим-есирларга харжлаётганмиш. Ҳамманинг оғзида Шокир ака... Ҳамма Шокир акадан мамнун. Шокир ака эса ақлини киритган дўстидан...

Худо инсоф берса, шундай берсин.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

*Қишлоғингиз тарихини биласизми?*

# ДУҚЧИ

***Шаҳрисабзнинг кунботаридаги қадимги қишлоқларидан бирининг номи – Дуқчи. Маҳаллий халқ уни Духчи деб ҳам аташади.***

Қарши шаҳрининг Бузравот маҳалласидаги бу гузарни Букчи дейишади. Шу номдаги қишлоқ маҳалла, гузар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Каттақўрғон, Урганч шаҳарларида ҳам бор. Дуқчи, Дукчи қишлоқлари бошқа воҳаларда ҳам бўлиши мумкин. Чунки номлар ёлғиз бўлмайди. Улар турли вилоятларда бўлишидан қатъий назар, бир неча бўлади.Талаффузи жиҳатидан салгина фарқли бўлиши мумкин.

Дуқчи, Духчи, Дукчи сўзидаги - чи қўшимчасини касб-ҳунар оти ясовчи -чи қўшимчасига нисбатан бериш мумкин. Шундай тушунилса, сўз ўзаги форс ва тожик тилларига мансуб дук сўзи бўлиб чиқади. Дук – чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми. Ўзбекистоннинг баъзи шаҳар ва қишлоқларида ип йигирадиган чархни дуг, дук, йуг, йуқ, йиг тарзида сўз бошида д-й, сўз охирида г-к товушларини фарқлаб қўллаш маълум. Шу сўз ва қўшимчадан изоҳланса, қишлоқ номи касб-ҳунар сўзидан юзага келган бўлади: дукчи – дук ясовчи уста. Дуқчи ёки Дукчи – дукчи уста(лар) яшаган қишлоқ. Касб-ҳунар сўзи киши(лар) лақабига, лақаб эса қишлоқ номига айланган. Бунда киши(лар)нинг касб-корига нисбат қилинган. Бу изоҳни ном талқинининг бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин.

Дуқчи сўзи ҳақида баҳс юритганда, яна бир мулоҳазани айтиш ўринли. Қадимги туркий қабилалардан бирининг номи тухси. Шу этнонимнинг товуш ва ўзак таркиби анча ўхшаш бўлиб, тухсилар X-XI асрларда эътиборли, нуфузли қабилалардан бири бўлган. М.Кошғарий тухсинлар ҳақида ишончли маълумотлар ёзиб қолдирган. Қарлуқ, чигил, тухси, яғмо қабилалар иттифоқи X-XI асрларда, Қошғар, Еттисув, Туркистон ва Ўрта Осиё халқлари ҳаётида катта роль ўйнаган. М.Кошғарийнинг таъкидига кўра, тухсиларнинг тиллари туркий бўлган, яъни бир тилда сўзлашган. Ўша даврда улар Қаёс шаҳрида яшаган, тил жиҳатидан чигил ва яғмоларга яқин бўлган. Тухсилар тилдагина эмас, урф-одат, яшаш тарзи, хўжалик фаолияти, касб-корда ҳам чигил ва яғмоларга монанд бўлган. Қарлуқлар сингари тухсилар ҳам Ўзбекистоннинг қадимий халқларидан. Қарлуқлар VI-VII асрларда Ўрта Осиёда яшаган. Тухси қавми номи талаффузда туғчи, туқчи, тухчи тарзига мойил. Сўнгра сўз бошидаги жарангсиз т ундоши жарангли д ундошига ўтади: духчи, дуқчи. Қавм номи ўзи ясама сўз. Сўз ўзаги (тух, тук, туғ, дух, дуқ) ва ясовчи қўшимча: -си (-чи). Уруғ номи яратилишига юқоридаги ҳарбий унвон номи асос бўлиши ҳақиқатга яқинроқ.

Маълум бўладики, тухси, туқчи, дуқчи номи билан аталган қавм – ўзбек уруғларидан бири. Улар мелоднинг бошларида ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшаган турғун аҳоли саналган. X-XI асрларда бу қавм-уруғнинг мавқеи юксак, нуфузи баланд бўлган. Шаҳарларда ва унинг атрофида яшаган. Дуқчи, Дукчи номларининг яралиши ана шу ҳолатга дахлдор.

**Тўра НАФАСОВ,**
**профессор.**



Тушганнинг жонини бир қилар кема, Қайиқда қочганга "қаёққа?!" дема...




Ж.МИРЗО чизган расм.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6